

ФИТРАТНИНГ "ЧИН СЕВИШ" ДРАМАСИДА ВАТАН ИШҚИ

Нодира Джоҳонгировна Холикова

Алишер Навоий номидаги Тошкент

давлат ўзбек тили ва адабиёти

университети докторанти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Абдурауф Фитратнинг "Чин севиш" драмаси қахрамонлари Зулайхо ва Нуриддин диалогларидаги драматизм, фожиавийлик руҳи орқали юрт озодлиги, миллат эрки, ватанга муҳаббат мавзуси намоён бўлиши мисоллар билан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ошиқ, Шарқ мусулмони, руҳоний лаззат, гўзал лутф ва ташбеҳлар, шоир, ватанпарвар

АННОТАЦИЯ

В статье темы свободы страны, свободы нации и любви к стране проявляются через драматизм, дух трагедии в диалогах героев драмы Абдурауфа Фитрата «Чин Севиш» с примерами.

Ключевые слова: влюбленный, восточный мусульманин, духовное насыщение, прекрасная благодать и сравнение, поэт, патриот

Маълумки, 1910 йилдан 1917 йил февралигача 40 га яқин драматик асарлар яратилди – М.Бехбудийнинг “Падаркуш”, Ҳамзанинг “Захарли ҳаёт”, “Илм ҳидояти”, А.Қодирийнинг “Бахтсиз кув”, Хожа Муин Шукруллонинг “Қози ила мулла”, “Кўкнори”, “Жувонбозлик қурбони”, “Эски мактаб – янги мактаб”, “Мазлума хотин”, Абдулла Авлонийнинг “Адвокат осонми?”, “Биз ва Сиз”, Абдулла Бадрийнинг “Жувонмарг”, “Ўгай она”, “Бойвачча”, “Саодат битди”, “Хуш келдинг, хуш кетдинг”, Нусратулла Қудратулланинг “Тўй” драмалари шулар жумласидандир. Буларнинг барчасида маърифий ғоя, ўз даври учун долзарб бўлган ахлоқий муаммолар илгари сурилди. Бехбудий, Авлоний, Ҳамза, Таваллолар ижодида кўтарилган маърифатпарварлик, ватанпарварлик ғояларини Фитрат, Чўлпон ва бошқа ижодкорлар давом эттириб, адабиёт мундарижасини озодлик, истиқлол, жаҳолатга қарши кураш ғоялари билан бойитдилар. Тасаввуримизда шаклланган анъанавий адабиётдаги аёл образидан фарқли ўлароқ XX аср бошига келиб янги давр аёли образининг муайян типни яратилганининг гувоҳи бўламиз.

Тилшунос олим, шоир, носир ва драматург Фитрат Фитрат драмаларида драматизм,

фожиавийлик руҳи ҳар лаҳза сайин кучайиб бораверади. Унинг “Чин севиш” драмасини таҳлилга тортсак. Гўзал Зулайҳо ошиқ. Уни севувчи Нуриддин ҳам ошиқ. Нуриддиннинг Зулайҳого севгиси чексиз. У чин ишқ соҳиби. Нуриддиннинг ишқи, руҳоний лаззати фақатгина Шарқ мусулмонига хос бўлган чин ишқ. Унинг фикрича, кишининг камолига сабаб бўлмайдиган, руҳини юксалтирмайдиган ишқ – ишқ эмас, ҳайвон ҳавасидир. Сўзимиз исботи учун Зулайҳо ва Нуриддин ўртасидаги диалогдан парча келтирамиз:

Зулайҳо. *Бу ерда ёлғизгина нималар тушуниб турасиз.*

Нуриддинхон. *Ҳеч!*

Зулайҳо. *Қуёш биланми гапуриша эдингиз?!*

Нуриддинхон. *(буюк бир юрак изтироби билан). Сизни кўрмагач, ундан бошқа ким билан гаплашай!*

Зулайҳо. *Шоирлик...*

Нуриддинхон. *Ишқнинг энг яқин йўлдоши.*

Зулайҳо. *Юрак ёнгинининг алангаси, десак ҳам бўлур.*

Нуриддинхон. *Шеърнинг нима эканини кўб яхши биласиз.*

Зулайҳо. *Ишқни(нг) билганим каби.*

Бир-бирларининг кўзларига ошиқона қарарлар.

Нуриддинхон. *Оҳ... Зулайҳо!..*

Зулайҳо. *Оҳ... Нуриддин!..*

Нуриддинхон. *Буюр!..*

Зулайҳо. *Кўкка боқ, қандай тиниқ!*

Нуриддинхон. *Меним севишим каби.*

Зулайҳо. *Кел, ернинг бу булганиқ ҳавосиндан ўзимизни қутқарайлик. Иккимиз қўлни-қўлга бериб учайлик, учайлик... Қуёш эршимаган ўринларгача юксалайлик!...¹*

Севишган икки ёш Зулайҳо ва Нуриддин нуткида романтик пафос кучли. Улар гап-сўзлари шоирона руҳда. Нуриддин шоир йигит эмасми, унинг ҳар бир сўзи гўзал лутф ва ташбеҳлар билан безалгандек. Улар суҳбатининг давоми ёшларнинг яна бир қанча гўзал жиҳатларини биз учун очиб беради:

Зулайҳо. *Оҳ... англизларни Ҳиндустондан чиқармоқ на гўзал бир сўз! Бироқ гўзаллигича қийинлиги ҳам бор! Икки-уч кишининг қўлидан келмас бир иш!*

Нуриддинхон. *Икки-уч кишими? Бутун Ҳиндустонда англизларга қаршу икки-уч милйўн киши бор. Тўғриси айтганда, бутун Ҳиндустон улуси англизларни қувмоқ*

¹ Фитрат А. Танланган асарлар. III жилд. Драмалар, публицистик мақолалар. – Т.: Маънавият, 2003. – Б. 37

истайлар².

Мана, чинакам ватанпарвар ёшлар. Улар учун энг олий мақсад – юрт озодлиги. Нуриддин шоир эди, Зулайхо эса ошиқ Нуриддинга муносиб ёр. Унинг қалби ўзи каби гўзал ва беғубор. Зулайхо учун худди Нуриддин учун бўлганидек, ватан муҳаббати ҳамма нарсадан устун. Улар бир-бирининг васлига етолмаган чин ошиқлар, ватан учун қурбон бўлган чин ошиқлар тимсоли. Асар хотимасида Нуриддин ватан ишқи йўлида, қолаверса, маҳбубасининг ишқи йўлида жон беради.

XIX аср охири – XX аср бошлари Туркистон ҳаётида рўй берган мислсиз ўзгаришлар – жаҳолат, бошқарувдаги бошбошдоқдик, илм-маърифатнинг қадрсизланиши, ижтимоий-маиший таназуллар алалоқибат миллий маҳдудлик, мустамлакачиликка йўл очган эди. Минг йиллардан буён мавжуд бўлган қадриятлар, аждодларнинг буюк мероси, дину диёнат топталди. Бу каби давомли тазйиқлар, сўз ва виждон эркинлигининг бўғилиши табиий равишда ватанпарвар, маърифатпарварларнинг майдонга келишига замин ҳозирлади. Дастлаб маорифни янгилаш, таълим сифатини ошириш, эски ўқитиш тизимидан мутлақо воз кечишдан бошланган ҳаракат кейинчалик, миллий матбуот, миллий адабиёт, миллий театр каби ўнлаб янги соҳаларга қадар ўсиб борди. Жаҳидларнинг ҳар бир фаолияти асосида юрт равнақи, эрки, уйғонган миллат орзуси турар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. I жилд. Шеърлар, насрий асарлар, драмалар. – Т.: Маънавият, 2000. – 256 бет.
2. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. III жилд. Драмалар, публицистик мақолалар. – Т.: Маънавият, 2003. – 256 бет.
3. Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати (ўзбек адабиёти тарихига оид тадқиқотлари мисолида). Филол.фан.номз. ... дис. автореф. – Т., 1998. – 26 бет.
4. Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси. Фил.фан.докт.... дисс-я. – Т., 1998. – 299 бет.
5. <https://daryo.uz/k/2021/03/30/millatga-najot-yolini-korsatgan-jadid-abdurauf-fitrat-hayotiga-chizgilar/> [Абдурашидов З.](#) Миллатга «нажот йўли»ни кўрсатган жаҳид. Абдурауф Фитрат ҳаётига чизгилар.

² Фитрат А. Танланган асарлар. III жилд. Драмалар, публицистик мақолалар. – Т.: Маънавият, 2003. – Б. 37